

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИ НАТИЖАСИДА ТҮПЛАНГАН ДАЛИЛЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

Якубов Бекзод Эркинбаевич

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти

Хоразм вилояти бошқармаси ходими

Тел: +99893-922-59-70

Аннотация. Ушбу мақолада тезкор-қидирув фаолиятининг турлари, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши ва тезкор қидирув фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда фаолият натижаларининг қонунийлиги таъминлаш чоралари, ўтказилган тезкор қидирув тадбирлари давомида түпланган далилларниң қонунийлиги ва ушбу далиллардан жиноят ишларини тергов қилиш ҳамда суд муҳокамаси давомида қилмишни айблилигини исбот қилишнинг асосий воситаси сифатида фойдаланиш асослари борасида илмий-назарий ва амалий тавсиялар бериб ўтилган. Шу билан бирга, назариётчи олимлар, тажрибали амалиётчи ходимларниң фикр ва мулохазалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Тезкор-қидирув фаолияти, тезкор эксперимент тадбир тури, прокурор назорати.

Аннотация. В данной статье рассмотрены виды оперативно-розыскной деятельности, осуществление оперативно-розыскной деятельности и основные задачи оперативно-розыскной деятельности и меры по обеспечению законности результатов деятельности, законности доказательств, собранных в ходе оперативно-розыскной деятельности и уголовного преступления, дела на основании этих доказательств, вина в совершении преступления в ходе следствия и суда даны научно-теоретические и практические рекомендации на основе использования его в качестве основного средства доказывания. При этом были проанализированы мнения и мнения учёных-теоретиков и опытных практиков.



Ключевые слова: Оперативно-розыскная деятельность, тип мероприятия быстрого эксперимента, прокурорский контроль.

Abstract. This article discusses the types of operational investigative activities, the implementation of operational investigative activities and the main tasks of operational investigative activities and measures to ensure the legality of the results of activities, the legality of evidence collected during operational investigative activities and criminal offenses, cases based on this evidence, guilt in committing a crime during the investigation and trial, scientific, theoretical and practical recommendations are given based on its use as the main means of proof. At the same time, the views and opinions of theoretical scientists and experienced practitioners were analyzed.

Key words: Operational investigative activity, type of quick experiment event, prosecutorial control.

Дунёдаги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида эришилаётган ривожланиш ва такомиллаштиришлар натижасида давлатларнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солувчи турли хил кўринишлардаги коррупсия, хуфёна иқтисодиёт, соликларни тўлашдан бўйин товлаш, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва бошқа шу каби жиноятларнинг янгича кўринишларда кўпайиб бораётганлигини яқъол кузатиш мумкинdir.

Бундай жиноятларни ва таҳдидларни олдини олиш, уларга қарши самарали кураш олиб бориш, иқтисодий ва сиёсий барқарорликни ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида ўз вақтида зарур чораларни кўриш ҳар бир давлатнинг устувор вазифасидир. Шу туфайли бундай жиноятларга қарши курашишда, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан самарали фойдаланиш энг таъсирчан ва самарали чоралардан бири бўлиб келмоқда.

Маълумки, тезкор-қидирув фаолияти бу - маҳсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўtkазиш орқали амалга ошириладиган фаолият тури хисобланади.

Тезкор-қидирув фаолиятнинг асосий вазифалари - жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, очиш, шунингдек, уларни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этилган шахсларни аниқлаш ва фош этиш ҳисобланади.

Шу сабабдан, жиноятларга қарши курашишда, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан самарали фойдаланиш энг таъсирчан ва самарали чоралардан бири бўлиб келмоқда.

Айни шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2012 йилда «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, ушбу қонуннинг 14-моддасида тезкор-қидирув тадбирларининг 16 та тури белгиланиб, шундан текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш, тезкор кузатув, тезкор киритиш, Ўзбекистон Республикасининг ичкарисида амалга ошириладиган назорат остида етказиб бериш, ниқбланган операциялар, тезкор эксперимент тезкор - қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида ўтказилади, текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш ва назорат остида етказиб бериш прокурор билан албатта келишилган ҳолда амалга оширилган тақдирдагина¹ ЖПКнинг 81-моддасига асосан далил сифатида эътироф этилиши мумкин.

Чунки, прокурор ўтказилган тезкор тадбир натижасига кўра тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш бўйича тегишли тезкор-қидирув тадбирини ўтказишга санкция беради ёхуд уни ўтказишни асослантирилган ҳолда рад этиб, қарорда бу ҳақда кўрсатиб ўтади, агарда прокурор тезкор-қидирув тадбири ўтказилишига санкция беришни рад этган тақдирда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган юқори турувчи прокурорга бундай қарор устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, ушбу қонуннинг 27-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни.–Тошкент, 25.12.2012.-16-м 5-к.

оширадилар ҳамда прокурорлар ўзларига тақдим этилган хужжатлар ва материаллардаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлайдилар².

Тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишининг қонунийлигини таъминлашнинг асосий мақсади, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят ишини қўзғатиш, тергов ва суд харакатларини амалга ошириш асоси сифатида ҳамда жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартиблар бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш қоидаларига мувофиқ жиноят иши бўйича исбот қилишни амалга ошириш, шунингдек, суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жазони ўташдан бўйин товлаётган ва бедарак йўқолган шахсларни қидириб топишда амалий натижаларга эришишдир.

Мисол учун, *тезкор эксперимент*, яъни ғайриҳуқуқий қилмиш содир этган ёки унга тайёргарлик кўраётган шахсларни фош этиш ва аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан тўлиқ бошқариладиган ва назорат қилинадиган шароитни муайян ҳодисани қайтадан тиклаш йўли билан сунъий равища вужудга келтиришдан иборат бўлган тезкор тадбири, коррупциявий жиноятларни фош қилишда тезкор-қидирув фаолиятини бевосита амалга оширувчи ваколатли бўлган хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг энг асосий тадбирларидан бири хисобланади.

Чунки, ушбу тезкор тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 91 ва 92 - моддаларида белгиланган талабларга амал қилинмасдан процессуал хужжатлар тўғри ва қонуний расмийлаштирилмаган, ашёвий далиллар олинмаган тақдирда ўтказилган тезкор тадбир ва тадбир давомида тўпланган барча далиллар ушбу Кодекс талабларига кўра ноъмақбул шаклга келиб, аслида фош қилинган жиноят эса гумон қилинувчининг айбини исботлашни истисно қилиши оқибатида жиноят ишини тутагилишига сабаб бўлади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган Конституциясининг 28-моддасига кўра, жиноят содир этганликда айлананаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда

² Ўзбекистон Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги конуни.–Тошкент, 25.12.2012.-27-м.

ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши³ ҳамда ЖПКнинг 23-моддасига кўра эса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбордлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши, иш бўйича хақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда белгиланган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги, гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан уларни ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилиши, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиши, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуслар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар мажбурий текширилиши лозимлиги белгиланган.

Хорижий қонунчилик тажрибасига қарасак, Россия Федерациясининг «Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасига кўра тезкор-қидирав фаолияти натижалари жиноят иши қўзғатиш учун сабаб ва асос бўлиб хизмат қилиши⁴ белгиланган бўлиб, бу қоида асосли эътирозларга сабаб бўлиб келмоқда.

Чунки, битта ахборотнинг ўзи муайян жиноят ишининг қўзғатилиши учун ҳам сабаб, ҳам асос бўла олмайди⁵, қолаверса, Жиноят процессуал кодекцидан ташқари бошқа қонун ҳужжатларидағи сабаб ва асослар билан жиноят иши қўзғатишга йўл қўйилмайди, тезкор-қидирав фаолият натижасини жиноят ишини қўзғатишнинг сабаби деб қараш учун эса, унга процессуал мақом берилиши талаб қилинади.

Бошқа ҳолатларда эса, фақатгина тезкор йўллар билан олинган маълумотлардан терговчи жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида тергов ҳаракатларини амалга оширишда ёки жиноят ишлари бўйича

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, 30.04.2023.- 28-м 1-к.

⁴ Зажицкий В.М. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности / Комментарий к Федеральному закону «Об оперативно-розыскной деятельности» под. ред Шумилова. – М., 2019. С.108.

⁵ Гриненко А.В. Об использовании результатов оперативно-розыскной деятельности при производстве по уголовным делам / Обеспечение прав и свобод человека и гражданина в деятельности правоохранительной системы / Материалы международной научно-практической конференции. Белгород. 2019. С.217.



тергов версиялари ва таҳминларини амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланиши мумкин.

Қонуний тартибда ўтказилган тезкор-қидирав фаолияти натижаларидан фойдаланиш жиноят ишларини тергов қилишда қийинчиликлар туғдирмайди, чунки тезкор-қидирав тадбирлари натижасида тўпланган далиллар терговни қонуний йўналтиришга, жиноятни очишга, айбни исбот қилишга амалий ёрдам кўрсатади.

Тезкор-қидирав фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим этиш қуйидаги ҳолларда қатъян тақиқланади, яъни тезкор-қидирав фаолияти натижаларидан тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамасида фойдаланилганда тезкор-қидирав фаолиятида иштирок этган субъектлар хавфсизлигини таъминлаш имконияти бўлмаганда, тезкор-қидирав фаолияти натижаларидан тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамасида фойдаланилганда тезкор-қидирав тадбирларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усувлар, тезкор-қидирав фаолияти режалари ва натижалари, тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳамда қўмаклашаётган шахсларнинг ошкор бўлиб қолиш хавфи мавжуд бўлганда⁶ йўл қўйилади.

Тезкор-қидирав фаолияти, унинг натижаларини далил сифатида фойдаланишнинг қонунийлиги устидан амалга ошириладиган прокурор назоратининг предмети қўйидагилардан иборатdir, яъни - инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига риоя қилинганлиги, тезкор-қидирав тадбирларини ўтказишнинг қонун ва бошқа хуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартиби, тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлиги, тезкор-қидирав фаолияти натижаларида аниқланган далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни процессуал қонунчилик асосида қайта текшириш ва расмийлаштиришнинг қонунийлигини⁷ кўрсатади.

⁶ Пўлатов Б. Тезкор-қидирав фаолияти, унинг натижаларини далил сифатида фойдаланишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати: Монография. – Тошкент.2017.-Б.38.

⁷ Бобомурадов Ф.Б. Ички ишлар органлари тезкор-қидирав фаолиятини жиноий-хукукий таъминлаш: Хориж ва Ўзбекистон жиноят қонунчилиги нормаларининг киёсий таҳлили: Монография. – Тошкент. 2022.-Б.53.

Тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш, уни амалга ошириш тактикаси, методи ва воситалари ҳақидаги маълумотлар, хужжатлар прокурор назорати предметига кирмайди, шунингдек қонуности хужжатларидағи кўрсатмаларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш мажбурияти прокурор зиммасига юклатилган эмас.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг белгиланган тартибини, қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини прокурор томонидан текшириш учун қўйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин, яъни фуқароларнинг ўз ҳукуклари бузилганлиги ёки бузилётганлиги ҳақидаги шикоятлари, зарурат бўлганда очилмаган жиноятлар бўйича олиб борилаётган тезкор тадбирлар, жиноят содир этган шахсларга, дараксиз йўқолган шахсларга, жиноят ишлари бўйича айланувчи ёки гумон қилинувчиларга нисбатан қидирув тадбирларнинг ижобий натижалар бермаётганлиги ҳақидаги материаллар мавжудлиги, суриштирув органларининг, терговчининг ва суднинг иш юритуvida бўлган жиноят ишлари юзасидан берган топшириқларига, прокурор кўрсатмаларига тегишли жавоб берилмаганлиги ҳақидаги ахборотлар мавжудлиги, тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги қонунчиликка риоя қилиниши ҳолатига доир бошқа маълумотлар мавжудлигидир.

Демак, ушбу қайд қилинган ҳолатлардан бирортасининг мавжудлиги ваколатли органлар томонидан ўтказилаётган тезкор-қидирув фаолиятининг қонунийлигини прокурор томонидан текшириш учун асос ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолиятининг, унинг натижаларидан далил сифатида фойдаланишининг қонунийлигини назорат қилишда прокурор қонунда назарда тутилган ваколатлардан фойдаланиши лозим, жумладан – ўтказилаётган тезкор-қидирув тадбирининг асослари, тартиби ва қарорларга оид маълумотларни ўзида акс эттирган хужжатлар билан танишиш; – суриштирув органининг, терговчининг тезкор-қидирув материаллари асосида жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги ноқонуний, асоссиз қарорларини бекор қилиш; – тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахслардан ёзма тушунтиришлар талаб қилиш; – тезкор-қидирув фаолиятини



амалга оширувчи органлар раҳбарларининг ноқонуний буйруқ ва кўрсатмаларига протест билдириш; – тезкор-қидирав фаолиятини ўтказишда жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқи ва қонуний манфаатларининг ноқонуний ва асоссиз бузилишларини тўхтатиш, бузилган хукуқ ва манфаатларини тиклаш, келтирилган зиённи қоплаш, асослар мавжуд ҳолларда қонун бузилишида айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги чораларини кўриш; – тезкор-қидирав фаолияти натижасида олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш учун ЖПК талабларига кўра суриштирувчи, терговчи томонидан текширишлар олиб боришининг, далилларни расмийлаштиришнинг қонунийлигини кўриб чиқиши, қонун талабларига риоя қилинмаслик ҳолатлари аниқланса, прокурор таъсир чораларини қўллаган ҳолад тегишли прокурор назорати хужжатларини келтиришдир.

Хулоса ўрнида айтиши мумкинки, прокурорнинг тезкор - қидирав фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ваколатлари доирасидаги қонуний талабларнинг бажарилмаслиги қонунларда белгилаган тартибда жавобгарликни юзага келтириш билан бирга, ўтказилган тезкор қидирав фаолияти давомида олинган ашёларни ва бошқа хужжатларни далил сифатида эътироф этилмаслигига ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва суд муҳокамасида кўриб чиқиши давомида айблилик масаласини исбот қилишнинг асосий омили ҳисобланмайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисидаги қонуни.–Тошкент, 25.12.2012.-16-м 5-қ.
2. Ўзбекистон Республикасининг Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисидаги қонуни.–Тошкент, 25.12.2012.-27-м.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, 30.04.2023.-28-м 1-қ.
4. Зажицкий В.М. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности / Комментарий к Федеральному закону «Об оперативно-розыскной деятельности» под. ред Шумилова. – М., 2019. С.108.
5. Гриненко А.В. Об использовании результатов оперативно-розыскной деятельности при производстве по уголовным делам / Обеспечение прав и



Research Science and
Innovation House

“JOURNAL OF SCIENCE-INNOVATIVE RESEARCH IN
UZBEKISTAN” JURNALI

VOLUME 2, ISSUE 8, 2024. AUGUST

ResearchBib Impact Factor: 9.654/2024

ISSN 2992-8869



Research Science and
Innovation House

свобод человека и гражданина в деятельности правоохранительной системы /
Материалы международной научно-практической конференции. Белгород.
2019. С.217.

6. Пўлатов Б. Тезкор-қидирув фаолияти, унинг натижаларини далил
сифатида фойдаланишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати:
Монография. – Тошкент.2017.-Б.38.

7. Бобомурадов Ф.Б. Ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятини
жиноий-хуқуқий таъминлаш: Хориж ва Ўзбекистон жиноят қонунчилиги
нормаларининг қиёсий таҳлили: Монография. – Тошкент. 2022.-Б.53.



Research Science and Innovation House